

2020

THE CONCEPT OF MARIFAT IN SUFISM

Nilufar Tuychieva

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN. Center for scientific research and innovation projects, fiddin@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw>



Part of the [Islamic Studies Commons](#)

Recommended Citation

Tuychieva, Nilufar (2020) "THE CONCEPT OF MARIFAT IN SUFISM," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 2.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2020/iss4/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ТАСАВВУФДА МАЪРИФАТ ТУШУНЧАСИ

КОНЦЕПЦИЯ МАРИФАТ В СУФИЗМЕ

THE CONCEPT OF MARIFAT IN SUFISM

NILUFAR TUYCHIEVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN.

Center for scientific research and innovation projects

N.Tuychieva@iiau.uz

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

АННОТАЦИЯ: IX аср бошларига келиб, тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди, суфийларнинг амалий рухий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниктириш тадбир-усуллари шаклланди. Шунингдек, тариқат, маърифат ва ҳақиқат деган тушунчалар юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч асосий босқичига оид қарашлар мажмуи тузилди. Шу даврдан бошлаб тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топди.

Тасаввуфнинг муҳим хусусиятларидан бири, фақат назарий жиҳат билан чекланиб қолмасдан тасаввуф таълимчилари тариқатлар йўли орқали амалий ҳаётда таъбиқ этишидир. Назарийда “тасаввуф” деб аталган бу йўналишни амалиётда “тариқат” дейилади. Чунинчи, тасаввуф дастлаб амалиётга катта аҳамият берган зоҳидлик ҳаракатидан келиб чиққан. Тасаввуфнинг кўпгина масалаларини етарлича англаб олиш учун фақатгина назарий билим кифоя қилмайди, деб ҳисоблайди суфийлар. Уларга кўра, зикр, муҷоҳада ва риёзат орқали қалб ушбу масалаларни идрок этадиган софликка эришади.

Мазкур мақолада тасаввуфдаги рухий камолот босқичлари, уларнинг даражалари, Яратганга эришиш учун босиб ўтилиши шарт қилинган йўллар тадқиқ этилган. Рухий комиликка кириш босқичи иродат ва унинг яқуни маърифат ҳақидаги тасаввуфий қарашлар ва тушунчалар таҳлил қилинган.

Мақоладан хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, тасаввуфнинг зоҳидлик босқичида маърифат тушунчаси қўлланилмаган. Бунинг боиси шуки, зоҳидлар узлат ва тақвони пеша этган бўлишларига қарамай, ишқ ва ирфон (илохий маърифат)дан бебаҳра кишилар эдилар. Улар фалсафий мушоҳадакорлик, ажзу иродат билан маънавий-ахлоқий камолот сари интилиш, валийлик, қароматлар кўрсатиш каби ҳислатларга эга эмасдилар. Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират мағфиратини қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш эди. Суфийлар назарида эса жаннатга етишиш умидида тоат-ибодат қилиш ҳам таъмининг бир қўринишидир. Ҳолбуки, суфий учун на дунёдан ва на охиратдан тамаъ бўлмаслиги керак. Ягона истак бу – Ҳақ таолонинг дийдори экани мазкур мақола сўнггида ўз тасдиғини топган.

Калит сўзлар: *илм ал-яқин, бақо, иродат, ишқ, зикр, ҳуҷуд, маърифат, мақом, мурид, ориф, саҳв, солиқ.*

АННОТАЦИЯ: К началу IX века были разработаны теоретические основы суфизма, а также духовно-психологические упражнения, методы самосовершенствования и закалки. К этому же периоду были сформированы понятия тари́ка, маърифат и хақиқат, на основе которых была создана особая система воззрений тасаввуфа. Начиная с этого времени тасаввуф сформировался как отдельная наука.

Одна из важных особенностей тасаввуфа состоит в том, что он не ограничивается теоретическими знаниями и принципами, которые с помощью тариқатов применялись в практической жизни. Это направление названное тасаввуфом в теории, на практике именуется как тари́ка. Тасаввуф изначально происходит от аскетического движения, в котором особое значение придавалось практике. Суфии считают, что для полного понимания вопросов суфизма недостаточно только теоретических знаний. По их мнению, через зикр, муҷоҳада и риёзат душа обретает чистоту, дающую возможность постигать эти вопросы.

В статье перечислены стадии и степени духовного совершенствования, пути, которые необходимо пройти для постижения Создателя. Приводятся суфийские взгляды и понятия о стадии вступления в духовную зрелость - ирада и заключительной стадии - маърифат.

В заключение можно сказать, что на этапе аскетизма в тасаввуфе не используется понятие маърифат. Причина этому является то, что несмотря на то что аскеты придерживались уединения и воздержания, считалось, что они были лишены любви и божественных знаний. Им не были присущи такие качества, как философское мышление, стремление к духовно-нравственному совершенствованию, предвидение. Цель аскетов состояла в том, чтобы обрести прощение в судный день и достичь блаженства рая, обещанного в Коране посредством богослужения. По мнению суфиев, богослужение ради достижения рая - это разновидность алчности. На самом деле, у суфия не должно быть корысти ни в этом мире, ни в потустороннем мире. Единственным желанием суфия должно быть – лицезрение облика Создателя.

Ключевые слова: *уверенное знание, пребывание [в Боге], опора на волю, страстная любовь, поминание Бога, аскетизм, познание Бога, ищущий, обладающий потаенным знанием о Боге, трезвость, путник.*

ABSTRACT: The theoretical foundations of Sufism, as well as spiritual and psychological exercises, methods of self-improvement tempering were developed at the beginning of the IX century. By the same period, the concepts of tariqah, ma'rifah, and haqiqah were formed, based on which a special system of views of tasawwuf was created.

One of the main features of tasawwuf is that it is not limited to theoretical knowledge and principles applied in practical life with the help of tariqahs. This trend, called tasawwuf in theory, is called tariqah in practice. Tasawwuf originally comes from an ascetic movement that emphasized practice. Sufis believe that theoretical knowledge alone is not enough to understand Sufi issues. In their opinion, through dhikr, mujahadah, and riyadah, the soul gains purity, which makes it possible to comprehend these issues. The article lists the stages and degrees of spiritual development, the paths that must be passed to comprehend the Creator.

In conclusion, we can say that at the stage of asceticism the concept of ma'rifah is not used in tasawwuf. The reason for this is that even though ascetics adhered to seclusion and abstinence, they were deprived of love and divine knowledge. They did not have such qualities as philosophical thinking, striving for spiritual and moral improvement, foresight. The goal of the ascetics was to find forgiveness on the day of judgment and attain the bliss of paradise promised in the Qur'an through worship. According to the Sufis, worship for reaching paradise is a form of greed. A Sufi should not have self-interest either in this world or on the day of judgment. The only desire of a Sufi should be to see the appearance of the Creator.

Keywords: *confident knowledge, residence, iradah, passionate love, remembrance of God, knowing God, station, seeker, knower, wrong, traveler.*

Кириш

IX аср бошларига келиб, тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилиб, суфийларнинг амалий рухий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниктириш каби тадбир-усуллари шаклланди. Шунингдек, тариқат, маърифат ва ҳақиқат каби тушунчалар юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч асосий босқичига оид қарашлар мажмуи тузилиши тасаввуфнинг алоҳида илм сифатида қарор топишига олиб келди.

Тасаввуфнинг муҳим хусусиятларидан бири, фақат назарий жиҳат билан чекланиб қолмасдан тасаввуф тамойилларини тариқатлар йўли орқали амалий ҳаётда татбиқ этишидир. Назариётда “тасаввуф” деб аталган бу йўналишни амалиётда “тариқат” дейилади. Чунончи, тасаввуф дастлаб амалиётга катта аҳамият берган зоҳидлик ҳаракатидан келиб чиққан. Тасаввуфнинг кўпгина масалаларини етарлича англаб олиш учун фақатгина назарий билим кифоя қилмайди, деб ҳисоблайди суфийлар. Уларга кўра, зикр, мужоҳада ва риёзат орқали қалб ушбу масалаларни идрок этадиган софликка эришади (Tuuchieva, 2019).

Манба ва метод

Тасаввуф илмини изоҳлаган классик асарлар сирасига – Калабодийнинг “Таъарруф” (Мавлоқулова, 2002), ал-Мухосибийнинг “ар-Ри’ая ли ҳуқуқиллаҳ”, ал-Маккийнинг “Қут ал-қулуб”, ал-Ҳужвирийнинг “Кашф ал-маҳжуб (Абул Ҳасан Али ибн Усмон ал Жуллабий ал Ҳужвирий ал-Ғазнавий)”, ал-Ғаззолийнинг “Ихё улум ад-дин” (Ғаззолий., 2001), ас-Сухравардийнинг “Авориф ал-маориф (Сухравардий, 1985)”, Сирҳиндийнинг “Мактубот” (Сирҳиндий., 2003), ал-Ансорийнинг “Манозил ас-соирийн” каби асарларни киритиш мумкин. Ушбу асарлар тасаввуфнинг асосий мавзуларини изоҳлаш, исломдаги асосларини кўрсатиб бериш ва шариатга мувофиқлигини асослашга эътибор қаратилгани билан машҳур.

Сулук одоби асарлари сирасига Кумуш-хонавийнинг “Жомий ал-усул”, Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот”, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Одоб ал-муридин” кабилар муҳим манба ҳисобланади. Асар муаллифлари ўз китобларида сулук аҳлининг ахлоқи, таълим-тарбияси, солиқнинг ташқи кўриниши, пир-мурид муносабатлари, зикр амалиёти, кундалик вазифалар ҳақида сўз юритганлар.

Бир қатор шарқшунос олимлар ҳам суфийларнинг одоб-ахлоқ ва амалиётга оид қарашларини ўрганганлар. Жумладан, И.Гольдцигер (Гольдцигер, 1912) (Гольдцигер, 1912), Е.Э.Бертельс (Бертельс Е.Э., 1965), И.П.Петрушевский (Петрушевский, 1966), А.Д.Кныш (Knish, 1991.)лар шулар жумласидандур. Ўзбек тасаввуфшуносларидан Н.Комилов (Комилов, 2009), А.Ёкубов (Комилов Н., 2005), И.Усмонов (Усмонов, . “Наводир ал-усул” хикматлари. Монография., 2009), К.Раҳимов (Раҳимов К., 2020) ва бошқалар ўз тадқиқотларида тасаввуф тарихи ва унинг атамаъларига оид маълумотларни киритганлар.

Шу ўринда айтиш керак, ислом тарихи ва манбашунослиги соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада З.Исломов [Islomov Z., 189,197], А.Хасанов [Khasanov A., 132], С.Агзамходжаев [Agzamxodjayev S., 27-28], Г.Фузаилова [Fuzailova G., 138-144], Р.Матибаева [Matibaeva R., 71-74,28], Н.Мухамедов [Mukhamedov N., 205, 75, 119], Н.Насруллаев [Nasrullayev N., 359-364], Т.Хатамов [Khatamov T., 72-75, 128-132], Ғаниев А., Умаралиев С. [Ganiyev A., & Umaraliev S.: 442], Ш.Тоҳтиев [Toxtiev Sh., с.287] и З.Зинатуллаев [Zinatullayev Z., 155, 10, 17] каби олим ва тадқиқотчилар томонидан қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Таҳлил

Инсон руҳ ва жисмдан таркиб топган экан, у ҳамиша шу иккисининг ўзаро тортишуви ўртасида бўлади. У қайси томонга кўпроқ эътибор қаратса ўша жиҳати юксалиб боради. Моддийга аҳамият қаратса ва унга берилиб кетса айтиш мумкинки, дунёга яқинлашиб, шўнғиш ҳолати юзага келиб, ички юксалишдан мосуво бўлади. Руҳий оламини тарбия қила борса қалб камол топиб, Яратганни кашф этади, илоҳий муҳаббатга эришади.

Бошқа ислом илмларидан фарқли ўлароқ тасаввуф кишининг қалбий камолотига, руҳий етуклигига доимо эътибор қаратиб келган. Бундай даражага эришиш учун кўплаб тизим ва амалиётларни ишлаб чиққан. Шулардан бири ботинни сайқаллашдан иборат. Тасаввуфда ботинан софлик, камолотга эришиш асосий вазифа ҳисобланиши ҳам унинг ўзига хослигидан дарак беради. Юқорида айтиб ўтганимиздек, камолот

орқали инсон эришиши мумкин бўлган энг юқори натижа бу Аллоҳни англашдир. Уни ақлан тан олиб, қалбан ҳис этиш энг юқори мартабадир.

Тасаввуф аҳли Яратганни англашнинг турли йўллари кўрсатиб берганлар. Англашнинг фалсафий йўллари сифатида – тасаввур, ҳис, мантиқий тафаккур ва ҳоказоларни ҳам эслатиб ўтадилар. Бироқ уларнинг фикрича, ақлий-ҳиссий билиш зоҳирий – дунёвий билимга кифоя қилади, холос (Khudayberganova, 2018 : Iss. 4). Илоҳиётни англаш учун эса ақл ожиздир. Илоҳиёт илми ақлга сифмайдиған, ақл ўлчовларидан баланд турадиган илмдир (Комилов, 2009). Ибн ал-Арабий айтадики, Худо ҳақида ақл тили билан гапириш мумкин, лекин ақл кучи билан Уни билиш мумкин эмас. Ақл исботни талаб қилади, далил – тажриба билан иш кўради. Ваҳоланки, Худонинг борлиги, зоту сифатларини далил орқали исботлаш мумкин. “Маърифат Ҳақ томонидан”-деб ёзади Ибн ал-Арабий. Аллоҳ билан хилватда қолган мард инсонда шундай ҳолат юз берадики, унда илмлардан илҳом пайдо бўлиб, Унинг раҳмати билан юксалади. Дарвешдаги бу ҳолат оддий одамлар ва исбот-далил аҳли учун қоронғудир. Бу авлиёларга бериладиган ладуний илмдир”.

Илмларнинг зоҳирий ва ботинийга бўлиниши илк суфийлардан тортиб то мутасаввуфларгача қабул қилинган. Зоҳирий илм шариат илмидир, ботиний илм эса ҳақиқат илмидир. Биринчиси ўқиш-ёзиш орқали қўлга киритилади (касбийдир), иккинчиси Аллоҳнинг лутфига боғлиқ (ваҳбий) дир. Ботиний билимни меҳнат қилиш, ўқиш ва ёзиш орқали эгаллаб бўлмаганидек, риёзат чекмай, тоат-ибодат қилмай ҳам эришиб бўлмайди. Бу илм ҳосил бўлиши учун банданинг жидду жаҳди билан Аллоҳнинг ваҳби (сийлови) бирлашмоғи керак (Turar, 1999.).

Каъбатуллоҳни ҳеч кўрмасдан фақат бошқалар айтган маълумотлар орқали у ҳақида пайдо бўлган билимга “илмал яқийн”, шахсан Маккага бориб, Каъбани кўриш орқали олинган билимга “айнал яқийн”, Каъба ва у ерда қилинган тавоф, ибодатлар замиридаги илоҳий сирлар ҳақида Аллоҳ томонидан банданинг кўнглига бахш этилган билимга “ҳаққал яқийн” дейилади. Мазкур илмларнинг биринчисига “муходара”, иккинчисига “мукошафа”, кейингисига “мушоҳада” илми дейилади. Булар тартиб билан авомга, хосларга ва хосларнинг хосларига оид билимлардир (Turar, 1999.).

Ботиний илм эгалари Муҳаммад с.а.в.нинг илмига ворис бўлганлардир. Чунки улар ҳам Расулulloҳнинг ваҳий олгани каби илмларини илҳом йўли билан бевосита Аллоҳдан оладилар. Ўқиб, тинглаб, билвосита илм олганлар илмда унинг вориси бўлолмайдилар. Суфийларнинг фикрича, ботин илми соҳиблари ғайбдан (Яратган қодир

қилганча) хабардор бўладилар. Бу эса уларнинг ўзларидаги башарий сифатларини кечиб ўтиб, Ҳақнинг сифатларига эришганлари туфайлидир. Улар Ҳақнинг кўзи билан кўриб, Унинг илми билан биладилар. Унинг кўзи билан қараганлари боис узоқлик билан яқинлик улар учун бир хил бўлади, моддий тўсиқлар ўртадан кўтарилади. Муҳаммад с.а.в.: “Мўъминнинг фаросатидан кўрқингиз, чунки у Аллоҳнинг нури билан қарайди”, деганлар. Уларнинг ғайб илмлари чекланган бўлиб, Аллоҳ уларга нимани билдирса ўшани биладилар. Бу Яратганнинг уларга инъом этган лутфи бўлиб, ўзлари эгаллаган сифат эмас (Turar, 1999.).

Ибн ал-Арабий инсон билимларини учга бўлган: биринчиси – ақлий-ҳиссий билимлар, иккинчиси – ҳол илми (ҳолат, маҳол илми ҳам дейди у), учинчиси – сирру асрор илми. Биринчи илм зоҳирий фанлар билан шуғулланадиган кишилар илми бўлса, иккинчи илм ҳол мартабасига кўтарилган суфийлар илми ҳисобланади, яъни важд ҳолатида кашф этилган илм. Учунчи илм – авлиёлар илми (Комилов, 2009).

Суфийлар ботин илмини: маърифат, ирфон, илми ладун, илми ваҳбий, илми асрор, ғайб илми, мавҳиба илми, фаросат, илми мукошафа, илми хузурий деган номлар билан атаганлар. Бу илм ё ваҳий, ёки илҳом йўли орқали эгалланади. Суфийлар ҳақиқатни идрок этиш хусусида одамлар эришган илмларни куйидагича тасниф қилганлар.

Шу ўринда ботиний илмнинг юксак намунаси сифатида “маърифат” деб аталмиш тушунчага тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик. Маърифат (араб. – билиш, англаш, идрок этиш) – тасаввуфий тушунча бўлиб, тасаввуфдаги босқичлардан бири, яъни юқори поғонаси ҳисобланади. Солик маънавиятининг кундан-кунга ортиб бориши, коинот ва табиат илму ҳикматидан, шунингдек, инсоний ва илоҳий сир-асрорлардан воқиф бўлиб бориши маърифатга боғлиқ. Ҳадиси шарифда: “Кимки ўзини яхши таниса, Парвардигорини ҳам, албатта, таниб олади”, дейилган. Яъни, инсон ўзининг тузилиши, мураккаб таркиби, жисмоний ва руҳоний вужудини қанчалик чуқур тафаккур билан ўрганиб, билиб борса, Аллоҳнинг улуғ ҳикмати ва бекиёс кудратининг буюк эканини шунчалик идрок этади. Инсон ўзидаги камчилик ва хатоларни қанча кўп сезиб иқрор этса, Аллоҳнинг бенуксон комил зот эканини шунча пайқаб боради. Ҳар бир инсон ўз маърифатини билимига қараб юқори даражаларга кўтариши ва тобора сайқаллаб бориши мумкин.

Маърифат ҳақида кўплаб тасаввуф олимлари ва мутасаввифлар ўз асарларида муносабат билдирганлар. Абдуллоҳ Хорис ал-Мухосибий етакчилигидаги мактаб намоёндалари Аллоҳ маърифатига эришишни биринчи ўринга қўйганлар. Уларнинг фикрларига кўра, маърифат амалдан

устун, Аллоҳни амаллар билан эмас, маърифат билан билиш муҳим деб билганлар (Сирожиддинов, 2011). Жумладан, Мустамлий Бухорий ҳам маърифат концепциясининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб берган. У иродат ва маърифатни суфийлик йўлининг бошланиш ва тугалланиш нуқталарида жойлаштириб, маърифатга суфийликнинг икки асосий босиқичидан иккинчиси сифатида қараган. Шунга кўра, ўзининг китоби “Шарҳ ат-Таъарруф”да маърифатнинг моҳияти ҳам иродатнинг моҳияти каби бир неча кесимда акс эттирилади (Раҳимов К., 2020) деб келтирган. Унга кўра, маърифат суфийликнинг сўнги туб мақсади, суфийлик йўлининг охириги нуқтасидир. Иродат ва маърифат ўртасида босиб ўтилиши керак бўлган мақомлар мавжуд. Иродат поғонасидаги киши мурид деб аталса, маърифатга етгани ориф саналади. Мустамлий Бухорийга кўра, “муридликдан мақсад Худога етишиш бўлса, Унга етишишнинг оқибати орифлик”дир (Комилов, 2009).

Калободий Бухорий “Ат-Таъарруф”да маърифатни икки турга бўлади: Ҳақ маърифати ва ҳақиқат маърифати. Ҳақ маърифати – Худонинг ягоналигини у ўз номлари ва сифатларини одамларга қанчалик даражада маълум қилган бўлса, шунчалик даражада билиш; ҳақиқат маърифати эса Худо[ни билиш]га йўл йўқлигини, чунки унинг мислсиз ёлғизлиги(самадияти) ва эгалиги (рубубияти) бунга йўл бермаслигини англаб етишдан иборатдир.

Маърифат бу кўриш, ҳис қилиш орқали ва тажриба орқали эришилган билимдир. Яъни билишнинг юқоридаги уччала турига эга бўлиш маърифатдир. Унинг манбалари қалб, рух, илҳом, сезгидир. Оддий илмдан фарқи ҳам шунда. Маълумки, илмнинг асоси ақл, сезги органлари, кўриш ва маълумотдир. Шунинг учун ҳам илм эгаси олим, маърифат эгаси ориф деб аталади. Илм умумий тушунча бўлиб ҳаммага тушунарлидир. У ўрганиш ва таълим орқали қўлга киритилади. Маърифат эса хосларга хосдир.

Суфийлар маърифат деган илм – ҳаққал яқин туридаги илмдир деб таъкидлайдилар. Нажмиддин Кубро маърифат сўзи ўзи билан муҳаббатни олиб келишини, яъни маърифат муҳаббатга асосланишини айтади.

Маърифатга эришган орифнинг ҳам 4 даражаси мавжуд:

1. Ҳайрат-орифнинг Худонинг унга берган неъматлари ва қилган яхшиликларига шукр қилишни тўла адо эта олмаслигини англаб етиш натижасида ҳайратга тушиши;

2. Ифтиқор (чорасизлик) – ориф ўзини Аллоҳнинг ҳаққини адо этишдан ожиз эканлигини англаб етиб, унга ўзининг чорасизлигини билдириши;

3. Иттисол (қўшилиш)- орифнинг ўзини Аллоҳдан бошқа нарсалардан ажратиши ҳамда ўз

эҳтиёжини кондиритишни барча эҳтиёжмандларнинг эҳтиёжи унга бўлган зотдан сўраши;

4. ҳайрат –орифнинг Худодан ўз эҳтиёжини кондиритишин сўраганда ҳам унинг бу эҳтиёжи висолга сабаб бўлолмаслигини англаб етиши натижасида ҳайратга тушиши.

Орифликнинг энг юқори даражасига кимлар эришади? Худо олдида энг кўп ҳайратга тушган ва Унинг ҳаққини тўлиқ адо эта олмаслигидан ҳайратда, нима қилишини билмай донг қотиб қолган кишигина Худони энг юқори даражада таниган ва билган киши саналади. Мустамлий Бухорийга кўра, “Амали илмига хилоф бўлмаган, натижада илми ҳолига айланган киши ориф саналади. Шунда унинг ўз илми ҳақида ўзгаларга сўзлаб беришига ҳожат қолмайди” (Раҳимов К., 2020).

Демак, Ҳақ маърифатида фақатгина Худо ўзи кўрсатган жиҳатларнигина билиш мумкин. Ҳақиқат маърифати эса – Аллоҳни тўлалигича билиб бўлмасликни англашдир. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бандалар англаб етадиган ва исбот қиладиган жойгача бўлган нарса Ҳақ маърифати бўлиб, бу Худонинг мавжудлиги, унинг илми, кудрати, тириклиги, иродаси ва бошқа сифатларини англаб етиш ва исботлашдан иборатдир. Бандалар англаб етолмайдиган чизикдан бошлаб у ёғи эса ҳақиқат маърифатидир.

Маърифат тушунчаси илк тасаввуф пайдо бўлган даврларда ҳали шаклланмаган ва атамаъ сифатида мавжуд бўлмаган. Шу сабабли, тасаввуфнинг зоҳидлик босқичида маърифат тушунчаси қўлланилмаган. Бунинг боиси шуки, зоҳидлар узлат ва тақвони пеша этган бўлишларига қарамай, ишқ ва ирфон (илоҳий маърифат)дан беҳабар кишилар эдилар. Улар фалсафий мушоҳадакорлик, ажзу иродат билан маънавий-ахлоқий камолот сари интилиш, валийлик, кароматлар кўрсатиш каби ҳислатларга эга эмасдилар. Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират мағфиратини қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш эди. Суфийлар назарида эса жаннатга етишиш умидида тоат-ибодат қилиш ҳам таъманинг бир кўринишидир. Ҳолбуки, суфий учун на дунёдан ва на охиратдан тамаъ бўлмаслиги керак. Ягона истак бу – Ҳақ таолонинг дийдоридир холос.

Солик дийдорга етиш учун ўзи ва Илоҳ орасидаги масофани қисқартира бориб, вужуд тўсиқларини енгиб ўтиб, шахсий “мен”дан қутилади ва тўлалигича Мутлоқияга қўшилиб, У билан қоришиб, эриб кетади. Суфийлар буни қатранинг денгизга қўшилиши ёхуд қизитилган темирнинг олов билан бир хил тус олиши билан қиёслаб тушунтирганлар. Инсон руҳида ҳам Илоҳ сифатлари мавжуд аммо, моддийлик уни Илоҳдан ажратиб туради. Аслидан ажралган, вақтинча ғарибликда, мусофирликда бўлган инсон руҳи хижронда

кийналиб, азоб чекади. Аммо руҳ моддийликдан покланса, мусаффо шабнамдай бўлиб, Денгизга – ўз аслига бориб қўшилиши мумкин. Бу васл фақат ўзини англаш, таниш ва шу асосда ўз Роббини таниш орқали қўлга киритилади (Комилов, 2009).

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ирфон ёки маърифат тариқатнинг ҳосиласи ва бевосита давомидир. Бошқача айтганда тариқатдан мақсад маърифатдир. Маърифат суфийнинг камолотининг юксак белгисидир. Маърифат лаззатини тотмаган мурид тасаввуфнинг мағзидан бебахра бўлган киши мисолидир. Олдига қўйган асосий мақсадига эришмаган саналади. Бир сўз билан айтганда маърифатга эришиш Яратганни топишдир.

Маърифат ҳақида гапирганда ишқ тушунчаси ҳам кўпинча ёнма-ён ишлатилади. Ишқ инсонни маърифатга олиб борадиган қудрат, инсонни моддий асосдан покловчи, ҳоли этувчи муқаддас олов. Ошиқлар халқдан чекинадилар ва Яратганлари сари интиладилар. Хилватни қўмсаидилар.

Ишқ йўли икки турга ажралади: бири ҳаяжонли, сершовкин, руҳий кечинмаларни ғалаёнлар ичра изҳор этиб бориш майли бўлса, иккинчиси – осойишта тамкинли, чуқур дарёнинг тубига ўхшаган ҳайбатли, вазмин, ички дарди қудратини яшириш майли. Биринчи йўналиш “сукр” ва иккинчи йўналиш “сахв” деб аталади.

Ишқ инсонни маърифатга олиб борадиган қудрат, инсонни моддий асосда покловчи, ҳоли этувчи муқаддас олов. Ишқ солиқ вужудини куйдириб, руҳини мусаффо этади, солиқда тажрид ва тафрид юз беради. Шу боис ошиқлар халқдан чекинадилар, чунки уларнинг руҳи дунёвийликни ёқтирмайди, хилватни қўмсайди, ҳамма вақт ўз мавлоси – Аллоҳ билан бирга бўлишни истайди. Ишқ – камолот калити ва иксири аъзам, ишқ мис вужудимизни олтинга айлантирувчи кимё. Ишқ инсонни ҳайвонликдан халос этади, одамзод наслини бадбахтлик, фалокатлардан кутқаради... Фақат ишқ кишини абадиятга – бақо оламига олиб боради. (Комилов, 2009, р. 43).

Муршиди комиллар муриддан нафақат фарзу вожиб, ҳатто адабга ҳам жиддий эътибор беришни талаб қилганлар. Баданан ва руҳан чиниқтириш, камолотга етказиш воситаларини амалда қўллаганлар. Муридни қуйидаги икки хил тарбия орқали мақсадга йўналтирганлар:

1. Инсон ўз иродасини, нафс деган борлигини йўлга солиш учун унга мустаҳкам таълим-тарбия, ҳарбийларга хос бўлган интизом лозим. Бу интизомга “риёзат” деб айтилади.

2. Тағин ишқ, севги ва муҳаббат йўли бор. Бири “ҳарбий интизом” билан, машаққатли тарбиялар воситасида етиштирса, иккинчи йўл инсонда севги, ишқ уйғотиб, уни муҳиб, ошиқ инсонга

айлантиради. Яхши ишлар қилиш учун кучли бир ҳолатга келтиради (Turar, 1999.).

Маълумки, суфийлар наздида тасаввуфда ҳақиқатга таълим олиш орқали эмас, балки фақат амалиёт ва риёзатни ўз бошидан кечириш, илоҳий (мистик) ва ҳаётий (экзистенциал) тажриба орқали эришилади. Имом Ғаззолий ҳам тасаввуфнинг машаққатли йўл эканлигини шундай таърифлайди: “Мен тасаввуф илмини ўрганишни буюк суфий шайхларининг китобларини ўқиш орқали бошладим... Абу Толиб ал-Маккий, ал-Муҳосибий, Жунайд, Шиблий, Абу Язид ал-Бистомий каби машойихлар асарларини ўқир эдим ва уларнинг таълимоти моҳиятига эътибор қаратардим. Шунда англадимки, уларнинг йўлини таълим олиш ва эшитиш орқали билиб бўлмас экан. Шу пайт менга ажиб бир сир ошкор бўлди, суфийларга хос хусусиятни ўзим учун кашф этдим, яъни Аллоҳ васлига ўқиш орқали эмас, балки завқ (ишқ таъмини билиш), ҳол (ошиқ аҳволига тушиш) ва сифатларни ўзгартириш (хулқни яхшилаш, поклаш) орқали эришиш мумкин экан” (Қодиров., 2020).

Сукр йўналиши вакиллари Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Абу Саид Абул Хайр, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Шамс Табризий, Бобораҳим Машраб. Иккинчи йўналиш “сахв” тарафдорлари Жунайд Бағдодий, Нажмиддин Кубро (бутунлай бўлмаса ҳам), Саъдий Шерозий, Баҳоуддин Нақшбанд кабилар. Боязид Бистомийдан аввалроқ ҳам ишқ ҳақида гапирганлар бўлган.

Биринчи йўналиш вакиллари кўплаб танқидларга учраган, уларнинг ишқи аксарият ҳолларда одамларнинг нафратига сабаб бўлган. Чунки уларнинг ҳолларини тушунишга ҳаммада ҳам салоҳият йўқ. Бу ишққа мубтало бўлган киши куйиб, азобда кўп нарсани унитади. Ҳатто ташқи муносабат улар учун аҳамиятсиз. Улар ўз ишқлари билан оввора ва мастдирлар.

Жалолиддин Румий: “Ана-л-Ҳақ – дейиш улуғ бир камтаринликдир. Бунинг ўрнига “Мен Ҳақнинг қулиман”, деган киши икки борликни ўзи ва Тангрининг борлигини тасдиқлаган бўлади. Мен Ҳақман деганда ўз борлигини йўқ қилган, мен йўқман, барчаси Удир деб эътироф этган. Аллоҳдан бошқа борлик йўқдир” дейди. Бу йўналиш вакиллари ҳисобланган Ал-Бистомий ва ал-Ҳаллож сукр тасаввуфининг энг ёрқин намояндалари саналади.

Ўзининг маърифатини ошириб борган солиқ, бора-бора осойишта бир ҳолга келади, Аллоҳ дийдори ёдида тафаккурга ғарқ бўлади, оламларни руҳан сайр қилиб чиқади, кўз олдига Ҳақ таоло жамоли ва Пайғамбар сиймосини келтира олади. Руҳи тўлишиб тасаввур ва тахайюли кенгайди, ғайб асрори эшиклари юзига очилади.

Жунайд Бағдодий Боязидни танқид қилиб, “сукр йўли фақат солиқнинг ўзига нажот келтиради.

Сукрга кирган кишининг бошқаларга нафи тегмайди. Ҳолбуки, мақсад фақат ўзини маърифатга етказиш эмас, бу маърифатдан бошқаларни ҳам баҳраманд этишдир” дейди. Шундай экан беҳудлик даражасидан кейин, илоҳий маърифатга қалби тўлишиб, қайта хушёр тортган ориф улуғроқдир. Негаки, энди у ўз билимини халққа етказиб, юзлаб дилларни маърифат нури билан ёритади. Шу боис “сахв” яъни хушёрлик кноцепцияси “маърифий тасаввуф” сифатида шуҳрат топди. Жунайд Бағдодий: “Тасаввуф бир дам беғам бўлишдир”, деганда ана шу маърифатни назарда тутган десак хато бўлмайди.

Тасаввуфий манбаларни кузатар эканмиз Нажмиддин Кубро ҳам маърифатга эришган суфийлар сирасидан эканига гувоҳ бўламиз. У мутасаввиф орифлардан нақл қилиб: “Шариат бир дарахтдир, тариқат – унинг шохлари, маърифат – япроқлари, ҳақиқат – мевалари. Дарахт бўлмаса новда ҳам, япроқ ҳам, мева ҳам бўлмайди(Кубро., 2004) деб тариқат йўлини 4 босқичга ажратади. Маърифат эса унинг япроқлари эканига ишора қилиш орқали 3-поғона эканига ва мева сари элтувчи охирги қадам эканига ишора қилган.

Хулоса

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қалб, кўнгил худди кўзга ўхшаган бўлиб, Ҳақни билишдан тўсиб турадиган пардалар кўтарилмагунча (Ҳақни) кўра олмайди. Пардалар кўтарилиб Яратган ҳақиқатдан воқиф бўлгач энди у ғайб илмидан Аллоҳ қодир қилганча бохабар бўлади. Ҳақдан хабардор бўлган ориф ана энди ҳақиқий ҳаётга қадам қўяди. Шундан сўнг унинг иштиёқи ошиб Худодан бошқа ҳамма нарсани унутди. Бир сўз билан айтганда у қайта туғилгандек бўлади. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, маърифат хайратнинг натижасидир. Маърифат бу – рух ходисаси бўлиб, рухий камолотнинг белгисидир. Инсон қалбининг сайқали ва шуъласидир.

АДАБИЁТЛАР:

- Абул Ҳасан Али ибн Усмон ал Жуллабий ал-Хужвирӣ ал-Ғазнавий. Кашф ал-Маҳжуб. Форс тилида.
- Агзамходжаев, С. (2006). История Туркестанской автономии (Туркистон мухторияти). –С.27-28.
- Бертельс Е.Э. (1965). Суфизм и суфийская литература. Москва: Наука. – 524 с.
- Гольдцигер И. (1912). Лекции об исламе / Перевод с нем. А.Н. Черновой. Брокгауз: Ефрон.
- Ganiyev, A., & Umaraliev, S. THE ROLE OF ZAKAT IN THE EARLY STAGES OF THE ISLAMIC CIVILISATION. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 25.
- Ganiyev, Avazbek (2020) “INSTITUTION OF ZAKAT IN COLONIAL MALAYSIA,” The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 2. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss1/2>
- Ziyatullayev, Ziyodilla (2020) «The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam,» The Light of Islam: Vol. 2020 P-155.: Iss. 2 , Article 21. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss2/21>.
- Zinatullayev, Ziyodilla (2019) «Some features of the statemanaging in Central Asia on the eve of Islam,» The Light of Islam: Vol. 2019. P-17.: Iss. 2, Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss2/3>.
- Ислом энциклопедияси. (2004). Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.
- Исламов З.М. (2019) Исламское образование в Узбекистане: история, современность и перспектива / ИИ Международная научно-богословская конференция «Духовный шелковый путь. Созидание. Интеграция», - Ташкент, 2018, С. 189-197.
- Islomov, Zohidjon (2019) “THE ROLE OF THE INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC STUDIES,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss1/1>.
- Матибаева Р. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» // Молодой ученый. — 2019. — №36. — С. 71-74. <https://moluch.ru/archive/274/62293/>.
- Матибаева Р. (2009) «Манакиб Аби Ханифа» Абу-л-Муаййада ал-Макки ал-Хоразми как уникальный источник по ханафизму». Автореф. дисс. к. и. н. – Ташкент, 2009. – 28 с. (на узб. яз.).
- Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020). HUMANIST IDEAS IN WORK MEDIEVAL SCIENTISTS OF THE OASIS OF TASHKENT. Archive of Conferences, 9(1), 205-208. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/371>
- Mukhamedov Nematullo (2020) “ACTIVITIES OF HADITH SCHOLARS (MUHADDIS) OF SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION”. The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss2/11>.
- Muhamedov N. (2015). Keffal Şaşı'nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>.
- Комилов. (2009). Тасаввуф. Ташкент: Мавороуннахр-Ўзбекистон.
- Комилов Н., А. Ё. (2005). Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожда тасаввуфнинг тутган ўрни (X-XV асрлар). Тошкент: Академия.
- Мавлокулова М. тарж. (2002). Калободий. Китоаб ат-та’арруф би мазҳаб аҳл ат-тасаввуф . Тошкент: Ғафур Ғулом.
- Нажмиддин Кубро. (2004). Тасаввуфий ҳаёт. Тошкент.
- Nematullo Hikmatullaevich Nasrullaev (2020). Role Of Ancient Written Sources In The Formation Of The

- Old Uzbek Literary Language. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(09), 359.
22. Петрушевский И. (1966). Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: . Ленинград: Издательство Ленинградского Университета.
 23. Рахимов К. (2020). Мовароуннахр тасаввуф тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). Тошкент: Академнашр.
 24. Сирхиндий. (2003). Мактубот. 2003: Байрут.
 25. Сирожиддинов Ш. (2011). Манба мантикий мушоҳадани талаб қилади. Шарқ Юлдузи, 2-сон. <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik>.
 26. Сулабий Абу Абдурахмон. Табақот ас-суфийя / Нуриддин Шариба нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Мактабат ал-Хонажи, 1986. – 570 б.
 27. Tokhir Abdumutalovich Khatamov “STATE NATIONAL PROGRAM FOR THE DEVELOPMENT OF SCHOOL EDUCATION FOR 2004–2009 YEARS: (SCIENTIFIC AND HISTORICAL ANALYSIS)” International Scientific Journal Theoretical & Applied Science e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 06 Volume: 74 Published: 14.06.2019 <http://T-Science.org><http://t-science.org/arxivDOI/2019/06-74/PDF/06-74-12.pdf> -Б. 128-132.
 28. Тохтиев Ш. (2012). Краткая история самаркандских и бухарских «Ирани». Вестник Челябинского государственного университета, (33 (287)). <https://cyberleninka.ru/article/n/kratkaya-istoriya-samarkandskih-i-buharskih-irani>
 29. Toxtiev, Shuhrat Mr (2020) “Social and cultural life of the shiite communities of Central Asia in the XX-early XXI centuries,” The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2020/iss2/12>
 30. Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999. – Б.93.
 31. Туйчиева Нилуфар. (2019). Фарба тасаввуфнинг ўрганилиши ва тасаввуфшунослик мактаблари. Ислам зиёси: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2019/iss4/8> -Б 63-68.
 32. Умар ас-Сухравардий. Қосим Ансорий тарж. (1985). Авориф ул-маъориф. Техрон: Техрон. (1985).
 33. Усмонов И. (2009). . “Наводир ал-усул” хикматлари. Монография. . Тошкент: Фан.
 34. Усмонов. (2012). Тасаввуф фанидан глоссарий. . Ташкент: ТИУ.
 35. Усмонов Иброҳим (2018) “Muslim altruism ideas in the scientists’ writings of Maverannah,” The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 4. <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2018/iss1/4>.
 36. Fuzailova, Gavhar (2020) “Eastern thinkers on the pedagogical mastery,” The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 19. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2020/iss2/19> -C.138-144.
 37. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. 416 с.
 38. Шоалиева Наргиза. (2018) “Human and mystical(irfan) perfection in sohrab sepehri’s poetry,” The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 5. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2018/iss4/5>.
 39. Кодиров Д. (2020). “Ал-мавоҳиб ус-сармадия” асари ва унда келтирилган нақшбандия тариқатига доир манбалар. Ислам зиёси. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2020/iss1/3>.
 40. Кушайрий Абдулкарим. Ар-Рисала ал-Кушайрийя. Қоҳира: Дор аш-шаъб, 1989. – 633 б.
 41. Ғаззолий., Абул Ҳасан Али ибн Усмон ал-Жуллабий. (2001). Ихё улум ад-дин. Ташкент: Мовароуннахр.
 42. Khasanov A. Lectures on the history of early Islam. Movrounnahr, Tashkent. 2017. -P. 132. (Хасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар. –Тошкент: Мовароуннахр, 2017. – Б. 132.)
 43. Khatamov Tokhir Abdumutalovich. Public education in uzbekistan history of formation and development International Journal of Social Science And Human Research ISSN(print): 2644-0679, ISSN(online): 2644-0695 Volume 03 Issue 07 July 2020 Page: 72-75. <http://ijsshr.in/v3i7/2.php>
 44. Худойберганова Г.2. (2018 : iss. 4). “Asceticism in world religious traditions,” vol. . Ислам Зиёси., -Б. 24-28. <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2018/iss4/4>

REFERENCES

1. Abul Hasan Ali ibn Usmon al-Jullabiy al-Hujviriy al-G’aznaviy. Кашф ал-Махжуб. Форс тилида. Jukovskiy tahriri ostida. 1998.
2. Агзамходжаев, С. (2006). История Туркестанской автономии (Туркистон мухторияти). –С.27-28.
3. Bertels E.Y. Sufizm i sufiyskaya literatura» Izbranniye trudi / Bertels, Otv.red. A.N.Boldirov, Sost. M.N.Osmanov,-Moskva; Nauka, 1965.
4. Goldsiger I. (1912). Leksii ob islame / perevod s nem. A.N.Chernovoy. Brokgauz: Efran.C.272.
5. Ganiyev, A., & Umaraliev, S. THE ROLE OF ZAKAT IN THE EARLY STAGES OF THE ISLAMIC CIVILISATION. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 25.
6. Ganiyev, Avazbek (2020) “INSTITUTION OF ZAKAT IN COLONIAL MALAYSIA,” The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 2. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2020/iss1/2>.
7. Ziyatullayev, Ziyodilla (2020) «The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam.» The Light of Islam: Vol. 2020 P-155.: Iss. 2 , Article 21. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2020/iss2/21>.
8. Zinatullayev, Ziyodilla (2019) «Some features of the statemanaging in Central Asia on the eve of Islam.» The Light of Islam: Vol. 2019. P-17.: Iss. 2, Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2019/iss2/3>.
9. Islom ensiklopediyasi. (2004). -Toshkent: O’zbekiston milliy ensiklopediyasi.
10. Исламов З.М. (2019) Исламское образование в Узбекистане: история, современность и перспектива / III Международная научно-богословская конференция «Духовный шелковый путь. Созидание. Интеграция», - Ташкент, 2018, С. 189-197.

11. Islomov, Zohidjon (2019) "THE ROLE OF THE INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC STUDIES," *The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1*, Article Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss1/1>.
12. Матибаева Р. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» // Молодой ученый. — 2019. — №36. — С. 71-74. <https://moluch.ru/archive/274/62293/>.
13. Матибаева Р. (2009) «Манакиб Аби Ханифа» Абу-л-Муаййада ал-Макки ал-Хоразми как уникальный источник по ханафизму». Автореф. дисс. к. и. н. – Ташкент, 2009. – 28 с. (на узб. яз.).
14. Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020). HUMANIST IDEAS IN WORK MEDIEVAL SCIENTISTS OF THE OASIS OF TASHKENT. *Archive of Conferences*, 9(1), 205-208. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/371>
15. Mukhamedov Nematullo (2020) "ACTIVITIES OF HADITH SCHOLARS (MUHADDIS) OF SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION". *The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2*, Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss2/11>.
16. Muhamedov N. (2015). Keffal Şaşı'nin Diplomatiği Faaliyeti. *Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi* 2 (2), 119-126. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>.
17. Komilov N. Yoqubov A. (2005). Markaziy Osiyo xalqlari tafakkuri rivojida tasavvufning tutgan o'rnı. (X-XV asrlar). -Toshkent: Akademiya.
18. Komilov N. (2009). *Tasavvuf*. -Toshkent: Mavorounnahr. -O'zbekiston. Tashkent: -B. 9-29.
19. Mavlonqulova M.tarj. (2002). *Kalobodiy. Kitab at-tavarruf bi mazhab ahl at-tasavvuf*. -Toshkent: G'ofur G'ulom.
20. Najmiddin Kubro. (2004). *Tasavvufiy hayot*. -Toshkent.
21. Nematullo Hikmatullaevich Nasrullaev (2020). Role Of Ancient Written Sources In The Formation Of The Old Uzbek Literary Language. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(09), 359.
22. Petrushevskiy I. (1966). *Islam v Irane v VII-XV vekax*. – L.: . Leningrad: Izdatelstvo Leningradskogo universiteta.
23. Rahimov K. (2020). Mavorounnahr tasavvuf tarixi: ta'limotning shakllanish va tizimlashtirilishi (VIII-XI asrlar). -Toshkent: Akademiya.
24. Sirxindiy. (2003). *Maktubot*. 2003: Bayrut.
25. Sirojiddinov S. (2011). Manba mantiqiy mushohadani talab qiladi. *Sharq yulduzi*, 2-son. <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik>.
26. Sulamiy Abdurahmon. *Tabaqot as-Sufiya./ Nuriddin Shariba nashrga tayyorlagan*. – Qohira: Maktab al-Xonaji, 1986. – 570b.
27. Tokhir Abdumutalovich Khatamov "STATE NATIONAL PROGRAM FOR THE DEVELOPMENT OF SCHOOL EDUCATION FOR 2004–2009 YEARS: (SCIENTIFIC AND HISTORICAL ANALYSIS)" *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 06 Volume: 74*
Published: 14.06.2019 <http://T-Science.org><http://t-science.org/axivDOI/2019/06-74/PDF/06-74-12.pdf> -B. 128-132.
28. Toxtiev Ш. (2012). Краткая история самаркандских и бухарских «Ирани». *Вестник Челябинского государственного университета*, (33 (287)). <https://cyberleninka.ru/article/n/kratkaya-istoriya-samarkandskih-i-buharskih-irani>.
29. Toxtiev, Shuhrat Mr (2020) "Social and cultural life of the shiite communities of Central Asia in the XX-early XXI centuries," *The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2*, Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss2/12>
30. Turar, U. (1999.). *Tasavvuf tarixi*. Toshkent: Istiqlol. -B.93.
31. Tuychieva, N. (2019). THE STUDY OF IN THE WEST AND THE SCHOOLS OF SUFIZM. *The Light of Islam:* . <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss4/8> -B 63-68.
32. Umar as-Suhravardiy. *Qosim Ansoriy tarjimasi*. (1985). *Avorif al-ma'orif*. -Tehron.
33. Usmonov I. (2009). "Navodir al-usul" hikmatlari. *Monografiya*. -Toshkent: Fan. – 175 b.
34. Usmonov I. (2011). *Tasavvuf fanidan glossariy*. -Toshkent: TIU.
35. Usmonov, Ibrohim (2018) «Muslim altruism ideas in the scientists' writings of Maverannahr,» *The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1*, Article 4. <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2018/iss1/4>.
36. Fuzailova, Gavhar (2020) "Eastern thinkers on the pedagogical mastery," *The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2*, Article 19. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss2/19> -C.138-144.
37. Shimmel. (2000.). *Mir islamskogo mistisizma*. Moskva: Aliteya, Enigma,. 416 c.
38. Shoaliyeva, Nargiza (2018) "Human and mystical (irfan) perfection in sohrab sepehri's poetry," *the light of islam: vol. 2018 : Iss. 4*, Article 5. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2018/iss4/5>
39. Qodirov D. (2020). "Al-Mavahib us-samardiya" asari va unda keltirilgan naqshbandiya tariqatiga doir manbalar. *Islom ziyosi*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss1/3>.
40. Qushayriy Abdulkarim. *Ar-Risola al-Qushayriya*. Qohira: Dor ash-Sha'b, 1986. -633 b.
41. G'azzoliy A.H. (2001). *Ihyo ulum ad-din*. -Toshkent. Mavorounnahr. 2001.
42. Khasanov A. *Lectures on the history of early Islam*. Mavorounnahr, Tashkent. 2017. -P. 132. (Хасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар. –Ташкент: Мовароуннахр, 2017. – Б. 132.)
43. Khatamov Tokhir Abdumutalovich. Public education in uzbekistan history of formation and development *International Journal of Social Science And Human Research* ISSN(print): 2644-0679, ISSN(online): 2644-0695 Volume 03 Issue 07 July 2020 Page: 72-75. <http://ijsshr.in/v3i7/2.php>
44. Hudoyberganova G. (2018 : iss. 4). «Asceticism in world religious traditions,» vol. . *Islom ziyosi*., -B. 24-28. <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2018/iss4/4>.